

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ВОХИДОВА НАРГИЗА НУРИДИНОВНА

У.С. МОЭМ АСАРЛАРИДА «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» МУАММОСИ

**10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Вохидова Наргиза Нуридиновна

У.С.Моэм асарларида «шахс ва жамият» муаммоси.....3

Вохидова Наргиза Нуридиновна

Проблема «личность и общество» в произведениях У.С.Моэма.....29

Nargiza Nuridinovna Vokhidova

The Problem of “Individual and Society” in the Works by W.S. Maugham55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ВОХИДОВА НАРГИЗА НУРИДИНОВНА

У.С. МОЭМ АСАРЛАРИДА «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» МУАММОСИ

**10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil.239 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Лиходзиевский Анатолий Степанович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Садиқов Зоҳид Яқубжанович
филология фанлари доктори, доцент

Матенова Юлия Умидовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» октябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» октябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «16» октябрь да 25 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошиби, филол.ф.д., доцент

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида «шахс ва жамият» муаммосини назарий поэтик хусусиятлари кўплаб илмий тадқиқотларнинг фаол йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади. Уильям Сомерсет Моэм асарларида илгари сурилган ғоявий-эстетик тамойилларни ўрганиш, ёзувчи яратган образларни таҳлил қилиш орқали ижтимоий муаммолар, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни бадиий идрок этиш, ижодкорнинг жаҳон бадиий тафаккур хазинасига қўшган улушини, ижод маҳсулининг ўзига хослигини белгилаш, шахснинг инглиз консерватизми қолдиқлари ва анъаналари билан зиддияти муаммоларининг ижодкор ғояларининг миллий ва умуминсоний қадриятларга мувофиқлигини бадиий мезонлар асосида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида турли тилларда яратилган оммабоп дурдона асарларни поэтик хусусиятларини очиб бериш ҳақидаги илмий-назарий фикрлар илгари сурилади. Хусусан, Европа ва Америка адабиётшунослиги контекстида Уильям Сомерсет Моэм ижодининг бадиий маҳоратини инсонпарварлик, фалсафий мушоҳада, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши, асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги каби мезонлар асосида илмий асослаш, унинг ижодини давр ва замон билан узвийликда таҳлил қилиш, ёзувчи яшаган адабий муҳит ва ижтимоий тафаккур тарзини илмий ёндашувлар асосида ўрганиш долзарб вазифа саналади.

Ўзбек адабиётшунослигида жаҳон классик адабиёти ва адабий жараёни қонуниятларини ўрганиш, жумладан, инглиз адабиёти вакиллари ижодини таҳлил қилиш жаҳон адабиёти тенденцияларини янада чуқур англашга, ўзбек адабиётининг бу жараёндаги ўрнини аниқлашга, унинг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга имкон беради. «Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда»¹. Шунга кўра, У.С. Моэм асарларида «шахс ва жамият» муаммосини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797 «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш ҳақида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 11 августдаги 610-сон

¹ Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбек классик ва замонавий адабиётини чет элларда ўрганиш ва оммалаштиришнинг долзарб масалалари» Халқаро анжумани қатнашчиларига табриги <https://president.uz/ru/lists/view/1926> [мурожаат санаси: 15.05.2020].

«Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари»га оид Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг ноёб асарларини нашр этиш ва уларни ўзбек тилига, ўзбек адабиёти дурдоналарини эса чет тилларга таржима қилиш тизими бўйича чора-тадбирларни янада мукамаллаштириш ҳақида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. У.С. Моэм ҳаёти ва ижоди дунё адабиётшунослари ва биографлари Роберт Лорин Колдер, Селена Хэйстингс, Джеффри Мейерс, Грета Ионкис, Тед Морган, Сэмуэль Рогол, Энтони Кёртис, Максвелл Андерсон, Ҳасан Жафри, Грета Ионкис, Александр Ливергант, Владимир Скороденко ва яна бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Англия, Америка, Канада, Россияда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Моэм ижодини ўрганиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларда кўпроқ Моэм ҳаёти билан бирга, ёзувчи тили ва услуги билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотчилар қаторига рус (Ф.А. Хутыз, Е.Л. Пивоварова, И.В. Трикозенко, О.Н. Юрочкина, А.З. Измайлов, Л.Б. Темникова, О.О. Легг, Е.С. Седова, Е.А. Чивильгина)², хориж (П.Ж. Холден, К.С. Хоукинсон, Б. Уиггинс, К. Фелл)³ ва ўзбек (И.С. Кахарова)⁴ тадқиқотчиларининг илмий изланишларини киритиш мумкин.

² Хутыз Ф. А. Концепция художественной прозы Сомерсета Моэма в контексте основных теорий романа первой половины XX века в Великобритании: Дисс. ... канд. филол. наук. – Майкоп, 2001. – 177с.; Пивоварова Е. Л. Поэтика цикла рассказов У. С. Моэма «Трепет листа: маленькие истории островов южного моря»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2008. – 191с.; Трикозенко И.В. Художественная проза С. Моэма в контексте английской литературы XIX — начала XX века: Слагаемые успеха: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 181с.; Юрочкина О. Н. Проблема взаимодействия текстовых категорий: на материале романа У. С. Моэма «Театр» и его перевода на русский язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2009. – 320 с; Измайлов А. З. Сохранение экспрессивной функции текста при переводе с английского языка на русский: на материале произведений У. Фолкнера и С. Моэма: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 170 с; Темникова Л.Б. Стилистическая динамика в публицистике У. Сомерсета Моэма: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2005. – 171с.; Легг О. О. Театральность как тип художественного мировосприятия в английской литературе XIX–XX вв.: На примере романов У. Теккерея «Ярмарка тщеславия», О. Уайльда «Портрет Дориана Грея», С. Моэма «Театр»: Санкт-Петербург, 2004. – 170с.; Седова Е. С. Театр У.Сомерсета Моэма в контексте развития западноевропейской драматургии конца XIX и первой трети XX вв.: Дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2010. – 220 с.; Е.А. Чивильгина. Жанрово-тематическое своеобразие малой прозы Сомерсета Моэма: Дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2018. –189с.

³ Holden P. Colonizing masculinity: the creation of a male British subjectivity in the oriental fiction of W. Somerset Maugham. Doctoral dissertation. – The University of British Columbia, Vancouver, Canada, 1994. – 333 p.; Hawkinson K.S. Three novels by W. Somerset Maugham. Doctoral dissertation. – Southern Illinois University, 1986. – 228 p.; Wiggins B. The impact of environment on characters within his short stories «The Pool», «Rain» and

Мазкур масала бўйича амалга оширилган илмий ишларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, С. Моэм ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган ва адибнинг асарларида шахс ва жамият муносабатлари муаммосини таҳлил қилиш бўйича махсус тадқиқотлар мавжуд эмас. Ушбу илмий иш Моэм ижоди шахс ва жамият муносабатлари нуқтаи назаридан биринчи марта тадқиқ этилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Моэм ижодида шахс ва жамият муаммоси билан боғлиқ бўлмаган кўплаб роман ва қиссалар мавжуд. Бизнинг назаримизда, танланган асарлар ушбу муаммонинг ечилиши нуқтайи назаридан айнан характерли ва типик асарлардир. Бир томондан биз машҳур асарларни танлаганмиз, уларсиз Моэм ижодини очиб бериш имконсиз, аммо биз тадқиқ учун унчалик таниқли бўлмаган асарларни ҳам таҳлилга жалб қилганмизки, фикримизча, улар ушбу мавзунинг астойдил ёритиб бера олади. Шу билан бирга, Моэм ижодида шахс ва жамият муносабатлари муаммосининг ечими бўйича турли хил мулоҳазаларимизнинг вариантларини баён этдик. Таҳлилга тортилган асарлар шахс ва жамият ўртасидаги турлича зиддиятларни намоёништириши, исёнкор қаҳрамонлар ва уларнинг тақдир йўллари акс эттиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Англия ва Америка адабиёти тарихи ва долзарб масалалари, бадиий таҳлил усули ва тамойиллари» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади С. Моэм асарларида «шахс ва жамият» муаммосини бадиий мезонлар асосида илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сомерсет Моэм бадиий насрининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалаларни ўрганиш;

инглиз мумтоз адабиётида шахс ва жамият муаммосининг ўрганилиш тарихини адабий ривожланишнинг тадрижий босқичларида ўрганиш;

шахс ва жамият муаммосини адибнинг роман ва қиссалари мисолида тадқиқ қилиш;

Моэм асарларида шахс ва жамият муаммосининг бадиий акс эттирилиш усуллари кўрсатиш;

Моэмнинг турли жанрдаги асарларида исёнкор қаҳрамонлар характерининг вариантларини қиёслаш;

“Sanatorium”. Master’s thesis. – California State University Dominguez Hills, California, USA, 2005. – 58 p.; Fell K. “A silent way unseen”: Maugham’s use of non-verbal behavior in three novels. Doctoral dissertation. – Texas A&M University, Texas, USA, 1986. – 137 p.

⁴ Кахарова И. С. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳис-ҳаяжон гапларнинг когнитив-прагматик талқини (Сомерсет Моэмнинг асарлари мисолида): Фил. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 50 б.

ёзувчи тафаккурига мувофиқ келувчи бадиий шаклларнинг ўзига хослигини очиб бериш, унинг ҳикоя қилиш маҳоратини ва қаҳрамонлар рухий характерини тасвирлашнинг усуллари кўрсатиш;

XX аср адабиётида Моэм ижодининг тутган ўрни ва унинг замонавий бадиий наср учун аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср инглиз адиби С.Моэмнинг ижтимоий-психологик характердаги роман ва ҳикоялари танланган.

Тадқиқотнинг предметини С. Моэмнинг «Ой ва чақа», «Устаранинг тиғи», «Театр», «Қаҳрамон» романлари ҳамда «Мэйхью», «Бахтли инсон», «Эдвард Барнарднинг таназзули», «Илҳом манбаси», «Дейзи» ва «Ёмғир» ҳикояларида «шахс ва жамият» муаммоси ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида бадиий матнни комплекс таҳлил қилиш ва изоҳлаш усули, қиёсий-тарихий ҳамда типологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

С. Моэм асарларида шахс ва жамият масаласи, адиб асарларидаги ижтимоий-ахлоқий муаммолар, инглиз жамиятидаги синфий муносабатлар, миллий анъаналарнинг шахс индивидуал тафаккури билан номувоқлигига асос бўлувчи инглизларга хос консерватизмнинг жамият аъзоларининг шахс сифатида шаклланишига тўсқинлик қилувчи муҳим омил эканлиги далилланган;

адиб ҳикоя ва романларида мавжуд жамият ва шахс зиддияти концепциясига асосланган Моэм қаҳрамонлари типологияси қаҳрамон ички дунёсининг ёзувчи томонидан очиб берилиши, муаллиф ғоясининг мантикийлиги, асар тилининг ранг-баранглиги каби поэтик мезонлар асосида ишлаб чиқилган;

қаҳрамон ижтимоий мавқеи ва жамият ўртасидаги муносабат турларини (конформизм, зиддият ва ҳамкорлик) қиёсий таҳлил этиш орқали зиддият концепцияси айнан Моэм асарларига хос эканлиги ва унинг ечими сифатида қаҳрамонларнинг ўз шахсий индивидуаллиги ва эркинлигини ҳимоя қилишда эскейпизм усулига мурожаат қилиши устувор эканлиги исботланган;

асарда қўлланилган рамзий ишоралар, такрорий мотивлар ва лисоний-стилистик воситалар асосида Сомерсет Моэм ҳикоя ва романларида шахс ва жамият муаммосини ҳал этишга қаратилган қаҳрамон типологик тавсифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

инглиз адабиётининг тадрижий босқичларида қаҳрамоннинг жамият билан зиддияти ҳамда ўша муаммони ҳал қилишнинг бадиий ифодаси аниқланган;

Сомерсет Моэм насри материаллари асосида шахс ва жамият муаммоси тасвирида муаллифнинг индивидуал ёндашуви ишлаб чиқилган;

инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэм ижодининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган, ёзувчи асарларининг лисоний жиҳатлари, ёзувчининг ҳаёт ва адабиётга нисбатан қарашлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Сомерсет Моэм асарлари матнларига атоқли адиб ва танқидчиларнинг фикрларига мурожаат қилинганлиги, тадқиқотда асл инглиз тилидаги бадиий матнлардан фойдаланилганлиги, оригинал манбаларга ҳаволалар берилганлиги, танланган бадиий матнлар тадқиқот предметиға, шаклланган илмий хулоса ва тавсияларға мувофиқлиги, келтирилган далиллар республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эришилган натижаларнинг бир қатор муҳим назарий ва амалий муаммоларнинг очиб берилиши, адиб ижодига доир назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларни такомиллаштириш, адабиётшунослик йўналишини янада жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратиш, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан инглиз адабиётининг ўзига хос хусусиятларини кенг кўламли тадқиқ қилиш, жаҳон адабиёти, мумтоз поэтика асослари фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, адабиёт тарихи, тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти каби фанлар мазмунини назарий хулосалар билан такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сомерсет Моэм асарларида «шахс ва жамият» муаммосини таҳлил қилиш натижасида олинган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

С. Моэм асарларида шахс ва жамият масаласи, ижтимоий-ахлоқий муаммолар, шу жумладан, инглиз жамиятидаги ижтимоий синфлар орасидаги муносабатлар, миллий анъаналарнинг роли, инглизларға хос консерватизм бадиий матнни комплекс таҳлил қилиш ва изоҳлаш усули орқали ўрганилганлигига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2017–2020 йилларда бажарилган ОТ – Ф1-80 «Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 16 августдаги 3/1255-2251-сон маълумотномаси). Натижада ушбу маълумотлар Фарб ва Шарқ адабиёти вакилларининг ижодини қиёсий ўрганиш учун илмий манба бўлиб хизмат қилган;

типологик таҳлил усули асосида Моэмнинг ҳикоя ва романлари қаҳрамонларининг тадқиқотда белгиланган муаммо бўйича ўзига хос

типологияси ишлаб чиқилганига оид илмий-назарий хулосалардан Наманган давлат университетида ««Кодекс куманикус» кўлёмасининг электрон илмий изоҳли матни ва изоҳли луғатини яратиш» мавзусидаги ФЗ-20190815110-сон фундаментал амалий лойиҳаси режасида кўзда тутилган вазибаларни бажаришда фойдаланилган (Наманган давлат университетининг 2021 йил 22 февралдаги 3/12-22-сон маълумотномаси). Натижанинг амалиётга татбиқ этилиши Сомерсет Моэм ижодининг поэтик такомили, жанр хусусиятлари, инглиз адабиётинидаги янгиланишларни асослашга муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

танланган асарлар бош қахрамонларининг ижтимоий мақоми ва жамият билан ўзаро муносабатлари комплекс таҳлил ва изоҳлаш усули орқали ўрганилиб, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ва юзага келадиган зиддиятни ҳал қилиш усулларига урғу берилганга доир умумлашмалар АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг "ESP: Materials Design" лойиҳаси доирасида чоп этилган "B2 Ready" дарслигини тузишда қўлланилган (ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2020 йил 24 декабрдаги 10-06/144-сон маълумотномаси). Натижада ушбу маълумотлар "B2 Ready" ўқув қўлланмасини бойитишга хизмат қилган, яратилган лойиҳа доирасида ва унинг фойдаланувчиларига С.Моэмнинг «Ой ва чақа» романида илгари сурилган ғоялар ҳақида кенг маълумот олиш имкониятини берган;

қиёсий таҳлил методи ёрдамида Сомерсет Моэмнинг қахрамон ва ижтимоий-тарихий муҳит муаммоси акс этган ҳикоя ва романлари таҳлил қилиниб, ушбу масала ечимига янгича ёндашув ишлаб чиқилган, Моэм ҳикоя ва романларидаги ижтимоий адолатсизликка, мавжуд ижтимоий тартиботлар шахсни топташи, жамиятда маънавий инқироз кучайиб бораётганига қарши исёнкор қахрамон руҳияти, конфликтни юзага келиш сабаблари кўрсатилишига оид илмий хулосалар АҚШнинг Reformed University таълим жараёнига, хусусан, College Writing II фани бўйича ишчи дастур яратиш жараёнига татбиқ қилинган (Reformed University раҳбариятининг 2020 йил 21 декабрдаги маълумотномаси). Натижада қахрамон ва жамият орасидаги муносабатнинг моҳияти, зиддиятни ечиш йўллари ва мазкур муаммога С. Моэм ёндашувининг ўзига хослиги хусусидаги маълумотлар талабаларнинг инглиз адабиёти ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилган;

ижтимоий-ахлоқий муаммоларга бағишланган С. Моэмнинг «Ой ва чақа», «Устаранинг тиғи», «Театр», «Қахрамон» каби асарлари таҳлили бўйича интервью «Истиклол-ФМ» радиоси орқали эфирга узатилган ва «Истиклол» телеканалининг «Худуд янгиликлари» дастурида намойиш этилган («Истиклол-ТВ» МЧЖнинг 2020 йил 24 декабрдаги 2074-сон маълумотномаси). Натижада ёзувчи асарларидаги ижтимоий-ахлоқий муаммолар хусусидаги амалий хулосалар теледастурлар материалларини бойитишга хизмат қилган;

тадқиқот материаллари ва илмий хулосалари Челябинск давлат маданият институти чет тиллар кафедрасида ўтказилган «Лингвистика ва маданиятлараро мулоқотнинг назарий ва амалий муаммолари» номли онлайн илмий-амалий семинарида муҳокама қилинган (Челябинск давлат маданият институтининг 2021 йил 13 мартдаги 19-234-сон маълумотномаси). Натижада XX аср инглиз насрининг ўзига хос хусусиятлари билан узвийликда С. Моэм асарларида шахс ва жамият муаммосининг очиб берилиши ҳамда замонавий бадиий насрда Моэм ижодининг ўрни ва аҳамияти хусусидаги мулоҳазаларни далиллашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та, жумладан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Шахс ва жамият**» муаммоси ва **Сомерсет Моэм ижодиёти (назарий жиҳатлар)**» деб номланган биринчи бобида муаммо назарий ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган. Турли даврларда яшаб, ижод қилган инглиз ёзувчиларининг мазкур муаммога ёндашувлари кузатилади ҳамда Сомерсет Моэмнинг ўз замонасидаги адабий жараён ва танқидга нисбатан ғоявий нуқтаи назари кўриб чиқилади.

Шахс ва жамият муаммоси – алоҳида бир шахснинг ўзи яшаётган ва меҳнат қилаётган атрофидаги жамият билан ўзаро индивидуал муносабатларидан иборат. Масаланинг моҳияти шундаки, алоҳида шахс билан жамият ўртасида зиддият пайдо бўлади. Шахс ўзини намоён қилишга ва ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилади. Аммо шахснинг бу интилиши консерватив позицияни эгаллаган, шахснинг такомиллашишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий кучларнинг қаршилигига учрайди. Ушбу

зиддият турли кўринишларда намоён бўлади ҳамда ўзига хос ҳолатлар ва индивидуал шахсий хусусиятларга қараб турли усуллар билан ҳал қилинади. Шунга кўра, шахс ғалабага эришиши, ўз-ўзини такомиллаштириши ёки таслим бўлиши, ижтимоий реалликни тан олиши ва унга мослашиши мумкин. Инсоннинг жамият билан бундай адолатсиз кураши уни ҳалок этиши ҳам мумкин.

Шахс ва жамият муаммосининг келиб чиқиши амалиётда инсониятнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу муаммо турли тарихий даврларда ҳар хил изоҳланди, унга назарий ва амалий жиҳатлардан турлича ёндашувлар қўлланилди. Адабиёт жамият мафкурасини акс эттирувчи шакл бўлиб, у мазкур тафаккурни ёритишга ўз ҳиссасини қўшади. Шу аснода муаммонинг худудий ва миллий жиҳатлари ҳамisha долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Замонавий рус тадқиқотчиси И.И. Санжаревский «Жамиятшуносликда «шахс ва жамият» муаммосини тадқиқ этиш тарихи, методологияси ва техникаси» номли китобида жамиятшуносликда «шахс ва жамият» муаммоси асосан мустақил, аммо бир-бирига узвий боғлиқ икки жабҳада муайян бўлиши ҳақида сўз юритади. Уларнинг биринчиси – ижтимоий ҳаётнинг тузилиши, жамиятнинг шахс эҳтиёжига боғлиқлиги, унинг ҳаёт талабларига жавоб бера олиши ёки олмаслиги ҳамда жамиятнинг шахсга нисбатан мустақил эканини ўрганиш ҳисобланади. «Шахс ва жамият» муаммосининг иккинчи жабҳаси муайян жамиятда шахснинг бошқа шахсларга муносабати, унинг ўз мустақиллигини намоён қила олиши ёки жамиятнинг кадриятларини, уларнинг тадрижийлигини, шахснинг ҳаёт йўлини ҳамда муваффақият ёки мағлубиятларини белгили равишда кўрсатиб беришга йўналтирилади⁵.

И.Н. Валиев мазкур муаммога жиддий ёндашади ва инсонни ижтимоий моҳият сифатида эътироф этади. Унинг фикрига кўра, инсон ўзини ўзи англаши ва имкониятларининг руёбга чиқиши шахснинг жамият ёки бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларисиз амалга ошиши мумкин эмас. Олимнинг фикрича: «...бу алоқаларнинг моҳияти инсоннинг ижтимоий яшаш муҳитида ўз ўзини англаши ва муҳимлигини таъкидлашига боғлиқ ва ўзаро алоқаларгина инсоннинг жамиятда ўрин эгаллашида зарур омил ҳисобланади ва унинг ҳаёт кечиришида муҳим аҳамиятга эга»⁶. И.Н. Валиев инсон ва жамият муносабатларни уч асосий турга ажратади. Буларга *конформизм, зиддият ва ҳамкорлик (кооперация)* киради. Унинг мулоҳазасига кўра, инсон жамият талаблари, стандартлари ва анъаналарига эътиборсиз бўлса ҳам, уларга ўз ҳаётида риоя қилиб келса, бундай муносабат конформизмдир. «Инсоннинг жамиятга қарамлиги унинг ҳаётидаги иложсиз вазият ёки мажбурий ҳолат, бирдан-бир мумкин бўлган ҳаёт кечириш

⁵ Санжаревский И.И. История, методология и техника исследования проблем общества и личности в социологии. – Изд. 4-е, испр. и доп. Тамбов: 2012. [Электрон ресурс] // http://read.virmk.ru/s/SANZ_SOC/ [мурожаат санаси: 10.04.2019].

⁶ Валиев И. Н. Формы взаимодействия человека и общества: проблема человека в свете современных социально-философских наук [Электрон ресурс] <https://inlnk.ru/PmPzL>. [мурожаат санаси: 09.05.2019].

имконияти каби сезила бошлайди. Одам бир томонлама, оммалашган ва шу жамиятнинг бир қисмига айланишга эришган бўлади»⁷.

И.Н. Валиевнинг фикрича, инсон ва жамият орасидаги муносабатнинг бошқа шакли зиддиятдир. Бу ҳолат инсон ва жамиятнинг ўз ҳаётий муаммо ва қаршиликларини енгишга йўналтирилган зиддият сифатида таъкидланади. Бу омиллар қаторига жамият ва шахсий манфаатларнинг номувофиқлиги, жамият томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг чекланиши, инсон фаолиятининг жамият томонидан ўзгача баҳоланиши, ҳаётий қадрият ва мўлжалларнинг турфалиги, баъзи инсонлар феъл-атворининг девиантлигини киради.

Инсон ва жамият орасидаги муносабатнинг учинчи шакли ҳамкорлик ҳисобланади. И.Н. Валиев бу шаклни муайян бирлик, фаолият, қадриятларга интилиш ва нуқтаи назарларнинг ҳаётий муаммо ва зиддиятларни енгиш жараёнидаги мувофиқлиги сифатида баҳолаган. Муносабатнинг бу шакли инсон жамиятни ва жамият инсонни бирдай тан олишига асосланади⁸.

Инсон ва жамият орасидаги муносабатнинг юқорида кўрсатилган шакллари ёзувчиларни жалб этади, чунки уларни, энг аввало, муаммонинг психологик томони қизиқтиради.

Инглиз адабиётида шахс ва жамият масаласи долзарб бўлиб, у буюк ёзувчиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Шахс ва жамият зиддияти кўпгина инглиз адибларининг асарларида асосий мавзу бўлган. Бу асарлар қахрамонлари жамият қабул қилган анъаналарга қарши чиқиб, ўз маслакларига содиқ қоладилар. Инглиз адабиёти ривожланишининг турли даврларида шахс ва жамият муаммоси ҳамisha устувор бўлиб, бу муаммо ҳар хил ечим топган.

Европа адабиётида илк бор Уйғониш даврининг таниқли инглиз ёзувчиси ва сиёсий арбоби Томас Мор (1478–1535) «Олтин китоб, қанчалик фойдали бўлса, шунчалик ёқимли, давлатнинг энг аъло тузилиши ва янги Утопия ороли ҳақида» (A little, true book, not less beneficial than enjoyable, about how things should be in the new island Utopia, 1516) номли утопик роман ёзган эди. Мазкур китоб жамиятдаги юксак тузум тасвирланган диққатга сазовор асарлардан бўлган, унда шахс ва жамият муаммоси олға сурилган. Унда муаллиф Англия ва ҳаёлий мамлакат Утопиядаги мавжуд тузумларни таққослайди. Утопияда давлат ва халқ муносабатлари тизимли тасвирланган ва Томас Мор Утопияни мустаҳкам тартибга асосланган, бенуқсон мамлакат деб ҳисоблайди. Англиядаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятларни қоралайди ва хусусий мулк шаклини танқид қилади.

Шахс ва жамият муаммоси Уйғониш даврининг буюк шоири ва драматурги Уильям Шекспир асарларида ҳам ёрқин ифодаланган, чунки у шахс ва жамият мавзусига янгича ёндашган. Тарихий воқеалар, замон ўзгариши, жамият тузумларининг вайрон бўлиши «Қирол Лир», «Макбет» ва «Отелло» каби трагедияларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

⁷ Валиев И. Н. Формы взаимодействия человека и общества: проблема человека в свете современных социально-философских наук [Электрон ресурс] <https://inlnk.ru/PmPzL>. [мурожаат санаси: 09.05.2019].

⁸ Ўша манба.

Н.П. Михальскаянинг ёзишича, Шекспир у асарларни мамлакатдаги аниқ тарихий шароитлар – (буржуа тараққиётининг илк натижалари ва феодал реакциясининг кучайиши) инсонпарварлик ғояларини тўлиқ рўёбга чиқаришга имкон бермаган пайтда яратган. Шу даврдаги тарихий шароит ва инсонпарварлик ғоялари тўқнашган бир вақтда инсоннинг озодлиги ҳақида орзунинг амалга ошиши мумкин эмас эди. Рўй бераётган ҳаётий шароитлар ва қайғули зиддиятлар каби номувофиқликлар Шекспир драматургиясига фожиали тус берган⁹.

Шекспир жамият иллатларини ва уларнинг шахснинг эркин ривожланишига салбий таъсирини очиб бера олган. Унинг қаҳрамонлари жамиятни тарк этмасдан, балки у билан курашишади. Бу эса Шекспир ижодининг моҳиятидир.

Уйғониш даври инсонпарварларининг ғоялари XVIII аср адабиётида ҳам ўз ифодасини топди. Исёнкорлик руҳи, адолатсизликка қарши туришга даъватлар, мустақил ва баркамол шахсни улуғлаш Джон Милтоннинг (1608-1674) «Йўқотилган жаннат» (Paradise Lost, 1667), «Қайтарилган жаннат» (Paradise regained, 1671), «Самсон-курашчи» (Samson Agonistes, 1671) асарларида ўз ифодасини топган. «Самсон-курашчи» драматик поэмасининг асосий мавзуси – озодлик ҳаракатига чорловдир. Самсон душман олдида бош эгмайди. Бу – унинг эрка ташна инсон эканлиги ва улуғворлигининг бир белгиси. Самсоннинг қуввати, ғурури, ифтихори ва исёнкорлиги Джон Милтонни уни юксак шахс сифатида тасвирлашга ундайди.

Инсонга, унинг идрокига ишониш ва тарихий оптимизм Маърифатчилик даври адабиёти вакиллариغا хос эди. Улар феодал тузум кулагандан сўнг жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига тўлиқ ишонишган. Аммо юзага келган буржуа тузumi уларнинг ишончини оқламади. «Инглиз адабиёти тарихи» китобида Н.П. Михальская шундай ёзади: «Маърифатчилик даври ижодкорларининг табиатан гўзал яралган шахс идеали мавжуд буржуазиянинг амалдаги меъёрлари билан тўқнашувга учрайди. Маърифатчиларнинг инсонпарварлиги ва инсон имкониятларининг чексизлигига бенуқсон ишонишлари уларни Уйғониш даври арбоблари билан яқинлаштиради»¹⁰.

Маърифатчиларнинг инсон имкониятларига ишончини билдирадиган ва ўзида юксак инсоний сифатларни мужассамлаштирган ижобий қаҳрамон образи Маърифатчилик даврининг Даниэль Дефо, Сэмюель Ричардсон, Джонатан Свифт каби арбоблари томонидан яратилган. Джонатан Свифтнинг «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва саргузаштлари» романи ақл-идрокли одамнинг табиат билан ёлғиз қолганида ўз имкониятларидан фойдаланишини кўрсатади. Кимсасиз оролда, жамиятдан узоқ жойларда Робинзон тирик қолиш ва ёввойилашмаслик учун бор кучи ва идрокдан фойдаланади.

⁹ Михальская Н. П. История английской литературы: учеб. для студ. филол. и лингв. фак. высш. пед. учеб. заведений. 2-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 63.

¹⁰ Ўша манба. – Б. 85-86.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги англиз адабиётида романтизм деб номланган ғоявий-бадий йўналиш юзага келди. Романтиклар ижодининг марказидан шахс, унинг маънавий ва ижодий ҳаёти, ҳис-туйғулари, озодлик учун кураши ва индивидуаллиги жой олди. Романтик ёзувчилар жамиятдаги муаммоларга қизиқишар, буржуазия жамиятини танқид остига олар, табиатни ва инсоннинг табиий туйғуларини куйлар эди. Романтизмнинг ёрқин ифодаси Лорд Гордон Байрон ижодида ўз ифодасини топди. Байроннинг қаҳрамони – озодлик ва адолат курашчиси, лекин ўзини бахтсиз ва ёлғиз сезади. Байрон ўзининг «Корсар» (Corsair, 1814) поэмасида денгиз қароқчилари йўлбошчиси бўлмиш Конрад образини яратган. Бу образ Байроннинг типик қаҳрамониға хос. У жасур, довюрак, буюк тафаккур соҳиби. Конрад одамларни ёқтирмайди, уларнинг адолатиға шубҳа билан қарайди, инсонларни қўрқоқ ва риёкор ҳисоблайди. Виждонсизлик ҳукм сурган жамият унинг қароқчилик йўлини танлашиға сабаб бўлади. У ўз жамиятидан қувилган одам. Шундай қилиб, романтизм вакилларида шахс ва жамият муаммоси «қочиш» орқали ўз ечимини топади. Бу – эскейпизм, қаҳрамонларнинг эътироз ва ўз шахсиятини намоён қилиш шакли ҳисобланади. Романтик қаҳрамон ахлоқсиз жамиятни ёқтирмайди ва унинг тамойиллариға қарши турмасдан, осонгина шахсияти тўлиқ рўёбға чиқиши мумкин бўлган экзотик шароитларни қидирган ҳолда мазкур жамиятни тарк этади.

Бу масалаға буюк англиз реалистлари бошқача ёндашишади. Чарльз Диккенс (1812-1870) ижодида асосий мавзу сифатида шахс ва жамият муносабатлари олға сурилади. Бунда ёзувчи қаҳрамонини турли ҳолатларда тасвирлайди. «Николас Никльбининг ҳаёти ва саргузаштлари» (The life and adventures of Nicholas Nickleby, 1838-1839), (Martin Chuzzlewit, 1843-1844) романларида шахснинг камолот ёшигача шаклланиши тадрижий тасвирланган. Диккенснинг баъзи асарларида қаҳрамоннинг болалик давридаги муаммолар ёритилган. Шундай образлардан бири ўсмир Оливер Твист ва жамият ўртасида зиддият пайдо бўлади. У ҳали бу тўқнашувнинг моҳиятини англамайди, аммо ижтимоий муаммолар унинг ҳаётида турли йўсинда намоён бўла бошлайди. У ўғрилар тўдасиға кириб қолади, натижада жинойтчилик ҳамда ижтимоий адолатсизликнинг нима эканини тушунади. Диккенснинг жамиятдаги ижтимоий муаммолар қизиқтиради ва у ишчилар синфининг азобланишиға, адолатсизликка бепарво бўлолмайди. Ижодкор шахсиятида юморист ёзувчи билан ижтимоий танқидчи мужассам. Ўз асарларида Диккенс очкўзлик, риёкорлик, бойлик орттириш ва иккиюзламачиликни танқид қилади, ахлоқий таъсир орқали жамиятни қайта тарбиялаш мумкинлигиға умид боғлайди.

«Шахс ва жамият» муаммоси XX аср ёзувчиларининг ижодида ҳам ўз аксини топди. Бу даврнинг ёрқин намоёндаларидан бири Уильям Сомерсет Моэмдир. Россиялик тадқиқотчи И.В. Трикозенконинг ёзишича, С.Моэм шахс эркини бадий англашнинг икки вариантини ажратади. Биринчи вариант – рельсларда ҳаракатланадиган трамвайға ўхшаш одамлар. Улар ижтимоий вазиятларға мослашиб, жамият билан тўқнашмайди. Иккинчи

вариант – кам учрайдиган тоифа бўлиб, улар ҳаётни қўлларига олиб, ўз хошишларига кўра умр дафтарини ёзадилар ¹¹. Мазкур фикрлар айна ҳақиқатдир. Ёзувчини иккинчи тоифа одамлар қизиқтирган. С. Моэм қахрамонларининг аксарияти ўз ҳаётлари маъноси ҳақида мулоҳаза қилишади, ўзларини намоён қилишга уринишади ва ҳаётда ўз йўлларини танлашади. Улар учун рухий эркинлик ижтимоий шароитлардан устун, бундай шахслар йўлларида учраган ҳар қандай мушкулотни енгишга тайёр.

Моэмнинг кўп китобхонлар эътирофига сазовор бўлиш сирлари ва муваффақият омиллари адабиётшунослар томонидан махсус ўрганилган. И.В. Трикозенконинг «XIX аср ва XX аср бошидаги инглиз адабиёти манбасида С. Моэм бадиий прозаси (Муваффақият йиғиндиси)» номли диссертациясида таъкидланишича, нозиктаъб ва оммавий китобхон эътиборига эришишга интилган ёзувчи «жиддийлик» ва «кўнгилочарлик» орасида ижод қила олиши лозим ҳамда уларнинг ҳеч бири томон тўлиқ оғиб кетмаслиги керак. Олим Сомерсет Моэмни шундай ёзувчилар қаторига киритган ҳолда китобхонларни жалб этиш усулларининг ранг-баранглиги туфайли унинг асарларини ўқувчилар доираси ниҳоятда кенглиги ҳақида ёзади ¹². Шунингдек, С. Моэм муваффақиятининг турли танқидчилар томонидан аниқланган хусусиятларини тилга олади. Уларга С. Моэмнинг ҳикоялаш усули, четдан кузатиш тарзи, китобхонга насихатгўйлик қилмасдан, ўзи яқун этишига имкон бериши киради. Бу хусусиятларга А.А. Гозенпуд, М. Злобина, С.В. Кирсанова, Л.Н. Митрохина ва Д.М. Урновлар ҳам эътибор беришган. А.А. Палий, В.А. Скороденко каби бошқа тадқиқотчилар ёзувчи оммабоплигининг сабабини унинг фақат атроф-муҳитга эмас, балки ўзига ҳам йўналтирилган «аччиқ киноясида» (В.А. Скороденко) ва бу орқали китобхонни муаллифга ноилож яқинлаштиришида деб биладилар. А.А. Аникст, Г.Э. Ионкис, Н.П. Михальскаялар Моэм муваффақиятининг муҳим сабаби сифатида «фожиавийлик категорияси»ни назарда тутишган. Н.Г. Владимирова, Т.Д. Кириллова, Д. Олдридж, В. Татаринов каби танқидчилар С. Моэм асарларининг инглиз миллий руҳига мослиги, яъни ҳаётнинг театр сахнасига қиёсланиши инглизларнинг воқеликка муносабатининг шакли эканлигини тасдиқлашади. Бу фикрга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, миллий анъаналарнинг ёрқин ифодаси С. Моэм асарларининг китобхонлар томонидан кўп ўқилишининг яна бир сабабидир.

Ижодининг дастлабки намуналарида С. Моэм ўзини астойдил ва изчил реалист эканлигини кўрсатди. Унинг реалист ёзувчи сифатида мавқеи Ламбетнинг хароб кулбаларидаги ҳақиқий ҳаёт ҳеч бир яширилмасдан баён этилган «Ламбетлик Лиза» (*Liza of Lambeth*, 1897) романини чоп этгани билан боғлиқ бўлди. Адабий фаолиятини ҳаваскор ёзувчиликдан бошлаган С. Моэм моҳирлик ва касбий маҳоратини романнавис, қиссачи ва драматург сифатида намоён этди, шу аснода адабиёт, санъат ҳамда ўз замондошлари ва

¹¹ Трикозенко И. В. Способы изображения характера в романе Сомерсета Моэма «Театр»// VI Державинские чтения, Филология. –Тамбов: ТГУ, 2001. – С. 85.

¹² Трикозенко И. В. Художественная проза с. Моэма в контексте английской литературы XIX – начала XX века (Слагаемые успеха): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2003. – С. 19-20.

Ўтмишдошларининг ижоди ҳақида фикрларини билдира бошлади. Унинг қарашлари, адабиёт бўйича танқид ва фикрлари «Сарҳисоб этар эканман...» (The Summing Up, 1938), «Буюк ёзувчилар ва уларнинг романлари» (Great Novelists and their novels, 1948), «Ўзгарувчан кайфият» (The Vagrant Mood, 1952), «Нуқтаи назарлар» (The Points of View, 1958), «Ёзувчининг дафтари» (A Writer's Notebook, 1949), «Ёзувчининг нуқтаи назари» (The Writer's Point of View, 1951) номли китоблари ва эсселар тўпламларида мужассамлашди.

Моэм ҳақиқий уйғунлик жамиятдаги зиддиятларга боғлиқлигига, мўътадилликнинг эса меъёр эмаслигига ишонган. У меъёрнинг кам учрашини, ягона инсонда қарама-қарши фазилатларнинг бўлиши мумкинлигини таъкидлар эди. Моэмнинг фикрича, меъёр – ягона одамнинг ўзига хос фазилатларини мужассамлаган портрет ва алоҳида инсонда барча фазилатларнинг мужассам бўлиши кам учрайдиган ҳолатдир.

Моэмни оддий инсонлар кўпроқ қизиқтирган, чунки ёзувчи уларни самимий, олий табақа вакиллари каби иккиюзламачи эмас деб ҳисоблайди. Бундай кишиларга ўзларида мавжуд бўлмаган фазилатни намоён этишнинг кераги ҳам йўқ. Моэмнинг ёзишича, оддий одамлар ўзларининг шахсий хусусиятларини кўрсатишдан кўркишмайди, уларга ҳеч нарса яшириш ёки бошқалар олдида ёлғон ниқоб тақиш шарт эмас. Машҳур инсонларда эса, С.Моэм эътирофича, оддий одамлар билан мулоқот қилиш учун алоҳида услублар мавжуддир.

С. Моэм ёзувчининг маҳорати аниқлик, оҳангдорлик ва оддийликда эканлигини таъкидлайди. Тилини тушуниш қийин бўлган ёзувчилар уни ғазаблантиради. Тилининг тушунарли эмаслиги ёзувчиларнинг ўз фикрини содда ва равон ифодалай олмаслиги ёки ўзлари аниқ фикрламайдиган пайтларда асар юзага келган, дея ёзади С. Моэм ¹³.

Моэм муваффақиятининг сирларидан бири шундаки, унинг асарлари равон ўқилади. Ҳикоядан пьесагача, саёхатномадан танқидий эссега қадар тилнинг оддийлигини, аниқлигини уйғунликда тутишга ҳаракат қилади.

С. Моэм сўзлар вазн, товуш ва шаклдан иборат деб ҳисоблайди. Ушбу уч хусусият инobatга олинган ҳолатдагина кўриш ва эшитиш учун ёқимли жумла ёзиш мумкинлигини таъкидлайди. Мазкур қоидага Моэм ўзининг сермахсул адабий фаолияти давомида риоя қилган ¹⁴. Унинг учун жонли тил бирдан-бир мезон бўлиб хизмат қилган эди, шу сабабли у содда грамматик ибораларни танлаган, қийинларини ишлатмаган. Моэмнинг фикрича, ёзувчи ўз замони русумига яраша ижод қилиши лозим. Бу ҳақида у «Сарҳисоб этар эканман...» номли китобида айтиб ўтади.

С. Моэмнинг адабий танқидчилик фаолияти ҳам ниҳоятда аҳамиятли. Ёшлиқ чоғларидан у француз, рус, испан, немис ва итальян адабиёти билан шуғулланган. 1948 йили унинг «Буюк ёзувчилар ва уларнинг романлари» эсселар тўплами нашр этилиб, у 1954 йилда «Ўнта роман ва уларнинг муаллифлари» (Ten novels and their authors) номи билан қайта чоп этилган. Бу

¹³ Моэм С. Избранные произведения в 2-Х томах. Т.1/ У. С. Моэм. – М.: Радуга, 1985. – С. 393.

¹⁴Ўша манба. – Б. 400.

тўплам сўз санъати ҳақида эсселар ҳамда С. Моэм машҳур деб тан олган ўн асар ва уларнинг муаллифлари тўғрисидаги эсселардан таркиб топган.

Китобнинг бошида С. Моэм беллетристикага оид мулоҳазаларини баён этади. Унинг фикрича, китобхон мутолаа пайтида завқлангандагина, асарни ёқимли деб аташ мумкин. Яхши романнинг, дея давом эттиради у ўз фикрини, фақат заковат эгалари учун эмас, балки жамиятнинг барча табақалари учун дуруст мавзуси бўлиши керак, яхши роман аниқ ва ишонарли сюжетга эга бўлиши, бошланма, воқеалар ривожини ҳамда яқундан таркиб топиши, унинг лавҳалари ҳақиқатга яқин туриши, қаҳрамонлари эса ўзига хос хусусиятларга ва қизиқарли характерга эга бўлишлари шарт. С. Моэм ўз эсселарида кўтарган яна бир савол – романнинг китобхонга билим бериши лозим ёки йўқлиги ҳақидадир. Унинг фикрича, романдан билим бериш воситаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Романи яратишнинг илмий ишдан фарқи унинг субъективлигида, деб ёзади Моэм. Чунки ҳар бир муаллиф ўз фикр ва қарашларини романи ёзиш жараёнида ифодалайди.

Диссертациянинг «С. Моэм ҳикояларида шахс муаммоси» номли иккинчи боби ёзувчининг «кичик жанрга» оид асарларида мазкур масаланинг ифодаланишига бағишланган. «Моэмнинг кичик жанрга оид асарларида ҳикоячилик характери» номли биринчи фаслида С. Моэм ҳикояларининг бадиий хусусиятлари «шахс ва жамият» муаммоси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Адабий фаолияти мобайнида С. Моэм 122 та ҳикоя ёзган ва улар қуйидаги 10 та тўпламга киритилган: «Мўлжаллар» (Orientations, 1899), «Япроқнинг титраши» (The Trembling of a Leaf: Little Stories of the South Sea Islands, 1921), «Казуарина» (The Casuarina Tree: Six Stories, 1926), «Муаллиф сўзлаб берган олти ҳикоя» (Six Stories Written in the First Person Singular, 1931), «Китоблар халтаси» (The Book Bag, 1932), «А Кинг» (Ah King, 1933), «Тангрининг суди» (Judgement Seat, 1934), «Космополитлар» (Cosmopolitans, 1936), «Шу рецепт билан» (The Mixture as Before, 1940), «Такдир ўйинчоқлари» (Creatures of Circumstance, 1947). С.Моэм ҳикоялари китобхонлар орасида кенг қизиқиш ўйғотган, чунки улардаги воқеалар содир бўлган маконлар ўқувчиларга таниш, ҳикояларни ўқиш осон ва қаҳрамонлари ҳақиқий ҳаётга яқин туради.

Ёзувчининг таржимаи ҳоли берилган «Сомерсет Моэм: Ҳаёт» (Somerset Maugham: A Life, 2005) китобида Жеффри Мейерс шундай ёзади: С.Моэм ҳикоя лўндалик ва қисқаликка асосланиши, муайян структура ва шаклни танлаши ҳамда ажойиб якуни бўлиши керак, деб ҳисоблаган¹⁵.

С. Моэмнинг кўпчилик ҳикоялари биринчи шахс тилидан баён этилган. Бу китобхонга ҳикоядаги воқеаларнинг ҳақиқий ҳаётда рўй берганини ҳис қилишга ундайди. Баъзи ҳикояларда ровий китобхонларга ўз ҳаёт тажрибалари билан ўртоқлашаётганини билдиради. С. Моэмнинг баъзи ҳикояларида, масалан, «Марварид маржон»да (A String of Beads) ёзувчи

¹⁵ Meyers J. Somerset Maugham: A life. – New York: First Vintage Books Edition, 2005. – P. 140-142.

ҳикоячиликнинг бошқа усулини танлаган. Унда муаллифга воқеани дўсти ёки таниши учрашув пайтида айтиб беради.

Бундай ҳикояларни ўқир экан, китобхонга С. Моэм ўзи кўрган ёки таниш одамлардан эшитганларини баён қилаётгандек туюлади. Бу услубни қўллашнинг афзаллик ва камчиликлари ҳақида С. Моэм шундай фикр билдиради: “I beg the reader not to be deceived by the fact that a good many of these stories are told in the first person into thinking that they are experiences of my own. This is merely a device of verisimilitude”¹⁶.

С. Моэм яратган образлар ҳаётнинг турли соҳа вакиллари дир. Ўзининг қисқача таржимаи ҳолида уни инсоннинг табиати қизиқтиришини ва унга «одамлар ҳақида гапирганида, гўё ўз кузатишларини шу орқали етказа олишини сезиши» тўғрисида ёзади¹⁷.

Ҳақиқатан ҳам, С. Моэм ҳикоялари воқеаларга ва психологизмга бой. Шу боис, унинг қаҳрамонлари замонасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган ҳолда ёзувчининг ижодий фантазияси маҳсулидир. «Сарҳисоб этар эканман...» китобида С. Моэм реал одамларни кузатиш орқали ўз қаҳрамонларини яратиши ҳақида ёзади. Аммо у образ яратиш жараёнида одамлардан нусха кўчирмайди, балки улардаги ўзини жалб этган ҳислатларидан фойдаланишни маъқул кўради. «Одамлардан нусха олишнинг иложи йўқ: улар жуда ўзгарувчан ва тушунарсиз. Бошқа томондан, улар ўзаро номувофиқ ва қарама-қаршиликларга тўла. Ёзувчи ўзи яратган оригинал образларни инсонлардан нусха кўчириш орқали яратмайди; у инсонлардаги ўзига керакли жиҳатларни, эътиборини ўзига тортган муайян хусусиятни, тасаввурини ҳайратга солган ақлий салоҳиятни олади ва шу хусусиятлар ёрдамида характер яратади¹⁸. Аслини олганда, мазкур қоида адабиётда реализм асосчиси Бальзакнинг назарий қарашларига яқин келади. Шунинг учун Сомерсет Моэм классик реалистик анъаналарнинг давомчиси ҳисобланиши мумкин.

Сомерсет Моэм ҳикояларида характерларнинг турли хилларини учратиш мумкин. Улар орасида, асосан, ҳозирги жамиятнинг у ёқтирмайдиган иллатлари ўз ифодасини топган аччиқ сатирик портретлар мавжуд. Аммо Моэмнинг ҳаёт ва ҳаракатлари одатдаги меъёрлардан сиртда турадиган ижобий қаҳрамонни тасвирлашга уринишлари бир неча марта аёнлашади.

«Эдвард Барнарднинг таназзули» ҳикоясида Моэм Чикаго билан Таитини таққослайди ва улар ўртасидаги жиддий фарқни кўрсатади. Ҳикоя қаҳрамонлари Бэйтмен ва Изабелла учун ҳақиқий ҳаёт Чикагода кечади. Таитининг беқиёс гўзаллигини кўра туриб ҳам, Бэйтмен Чикагонинг сершовқин кўчаларига қайтишга шошади. Эдвард эса Таитининг гўзаллигидан завқланади. Атроф-муҳитни тасвирлашда Моэм бу ҳолатнинг қаҳрамонлар характерларига таъсирини ҳам кўрсатиб ўтади. Изабелла ва

¹⁶ The Writer's Quotebook: 500 Authors on Creativity, Craft, and the Writing Life. Edited by Jim Fisher. – Rutgers University Press, 2006. – P. 58.

¹⁷ Моэм У. С. Подводя итоги. – М.: Высш. шк., 1991. – С. 500.

¹⁸ Ўша манба. – Б. 500.

Бэйтмен ютукларга эришишга, танлаган жамиятининг бир қисми бўлишга интилишади. Бу қахрамонлар ўзлари ҳаёт кечираётган жамият маҳсулидир ва бу жамият уларни ўз қоида ва хурофотларига бўйсундиради.

Моэмнинг «Қандайдир инсоний нарса» ҳикоялар тўпламининг муқаддимасида Н. Михальская Моэм асарлари ҳозирги Ғарб тамаддунининг ижтимоий тузилишида хатолик ҳисси билан тўйинганлигини таъкидлайди. Уларда танқидий тенденция анча кучли, лекин Моэмнинг инсон ёлғизлиги концепцияси ҳамда ҳаёт мазмунини инкор этиш ғояси орқали бу тенденция чегараланган, баъзан ушбу концепция ва ғоя ижтимоий танқиддан устун келади. Моэм асарларида ахлоқ қоидаларининг, санъатнинг заифлашуви ва буржуа жамиятининг ижтимоий унсурларининг танқиди мураса билан уланган, ёзувчининг филистизмни қабул қилмаслиги эса бадиий ижод соҳасида сиёсатни четга суриш билан бирлашади, деб таъкидлайди Н. Михальская¹⁹. Бу эса ҳақиқатга яқиндай туюлади. Моэм қахрамонлари ҳамиша бахтли эмас, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўз жамиятидан қочишга қарор қилишмайди.

Моэмнинг ғоявий мазмун ва танлаган ёндашув нуқтаи назаридан энг характерли асарларидан бири «Дейзи» (Daisy, 1899) ҳикоясидир. Унда ёзувчи ўзи ёқтирган мавзуси – инглиз мунофиқлигининг одамлар ҳаёти ва тақдирига таъсирига мурожаат қилади.

Қолоқ анъаналарга содиқлик инсоннинг самимий туйғулари топталишига олиб келади, муҳаббат ва дўстликни барбод қилади. Бу ҳодиса кўпинча оилавий аҳволи яқин персонажлар орасида бўлиб ўтади. Оилавий муносабатлар бузилади, қариндошлар орасидаги алоқа узилади, натижада воқеанинг ҳамма иштирокчилари азоб чекишади ва жафо тортишади.

Ҳикоянинг композицияси пухта ўйлаб тузилган. У икки қисм ва якуний лавҳадан иборат. Шу билан бирга, ҳикоянинг асосий қисми унинг охириги бетларида йўқолиб кетадиган ва сентименталлик билан четлатилган трагикомедия тарзида ёзилган.

Дейзи ташқи кўринишининг ажойиблиги билангина эмас, балки юксак маънавияти билан намуна бўлади. Болалик даврида эсида қолган жойларни кўргандан сўнг Дейзи охириги хулосага келади. У қасос олишдан бош тортади ва оиласини қашшоқликдан қутқариб, ҳақиқий инсонийликни намойиш этади.

Мунофиқлик ва иккиюзламачилик мавзусини Моэм «Ёмғир» (Rain, 1921) ҳикоясида ривожлантиради. Ундаги персонажлар «Дейзи» ҳикоясидаги миссис Гриффитни эслатади. Аммо ёзувчи воқеаларни Англиядан бошқа юртларга, яъни экзотик шароитлар мавжуд, бундай иллатлар янада ёрқин амалга ошадиган, «Дейзи» ҳикоясидан фарқли равишда фожиага олиб келадиган маконларга кўчиради.

Ушбу ҳикояда мутаассиблик, мунофиқлик ва иккиюзламачилик каби иллатларнинг мағлубиятини кўра оламиз. Енгил ҳаётни танлаган Сэди Томпсоннинг ғалабасини кўрсатиш орқали Моэм бундай ҳаёт тарзини тўғри

¹⁹ Михальская Н. Предисловие в сб. рассказов: Сомерсет Моэм. Нечто человеческое. – М.: Правда, 1989. – С. 5.

деб хулосага келади деб тушуниш нотўғри. Миссис Томпсон жамиятдаги носозликлар билан ўз ҳолича курашиб, уларнинг бемаънилигини исботлайди. У танлаган енгил ҳаёт тарзи аёлнинг жамият иллатларига ўзига хос эътирозини намоён этади. Моэм учун инсонийликсиз саховатдан иллатли инсонийлик устун.

Диссертациянинг «**Моэм романларида инсон ва жамият муаммоси**» номли учинчи бобида олға сурилган муаммо таҳлили инглиз ёзувчисининг асосий меросини ташкил этган романлари материалида амалга оширилади.

Сомерсет Моэмнинг энг машҳур романларидан бири – «Ой ва чақа» (*The Moon and Sixpence*, 1919) ҳисобланади. У расом образи ва ижодкор шахс Чарлз Стрикленднинг ҳаётига бағишланган. Бу китоб 1919 йилда чоп этилган. У Моэмга оламшумул шуҳрат келтирди ва ушбу китобни муаллифнинг энг сара асарларидан бири эканини эътироф этиш мумкин. Ҳикоя қилиш «ғайриоддий инсон ҳаётидаги маълум воқеаларни соддагина айтиб берган» ёш ёзувчи томонидан лавҳа шаклида олиб борилади. Стрикленд ҳаётидан келтирилган лавҳалар ҳикоячининг у ва бошқа персонажлар ҳақида мулоҳазалари билан кесишган ҳолда келтирилади. «Ой ва чақа» романида ижодкор шахснинг ҳаёти тасвирланган ва инсон, жамият ҳам санъат муносабатлари масаласи ўртага ташланган.

Муаллиф Стрикленд образини мукамал тасвирламагани ва бу асарнинг автобиографик роман борасида муваффақиятсизликка учрагани учун Моэмни айблаган танқидчиларга жавобан Дэвид Мейси ёзадики, ҳикоячи Моэмнинг фикрлаш, изоҳлаш ва мулоҳаза қилишдан бошқа иложи қолмаган эди, чунки улуғ истеъдод эгаси ва унинг ижоди «маданиятли» китобхон ва ёзувчилар тасаввуридан устун туради. "Strickland's story cannot be told because his achievements cannot be translated into the language of "civilized" society. Somerset Maugham knows-and shows-what the narrator cannot see, that biography itself is impossible when its subject is a man of "genius" because works of genius is beyond the grasp of "civilized" readers and writers"²⁰. Моэм таржимаи ҳолининг муаллифи Жеффри Мейерснинг ёзишича, истеъдод эгалари ҳақида ёзилган асарлардаги каби «Ой ва чақа» романида санъатнинг кучи тангрининг инъоми ва санъаткорни бошқалардан ажратадиган ва азобга соладиган лаънат бўлиб руёбга чиқади. "In this novel, as in two great contemporary works about the nature of imaginative genius – Thomas Mann's "Death in Venice" (1912) and Wyndham Lewis' "Tarr" (1917) – artistic powers are both a divine gift and a demonic curse that isolates and tortures the outcast"²¹.

Романдаги воқеалар Лондон, Париж ва Таити оролида бўлиб ўтади. Бу жойларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга, жамият эса бош қахрамонга турли томондан таъсир кўрсатади. Моэм Стрикленднинг атрофидаги одамларни аниқ ва синчиклаб тасвирлайди, у Стрикленднинг атрофидаги вазиятни кўрсатиб беради ва бир-биридан фарқли уч хил турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилади.

²⁰ Macey J. D. Fantasy as necessity: the role of the biographer in "The Moon and Sixpence". *Studies in the Novel*, vol. 29, no. 1, 1997, p. 61. – P. 61.

²¹ Meyers J. Somerset Maugham: a life. – N. Y.: Knopf, 2004. – P. 136.

Шахс ва жамият муносабатлари муаммоси «Ой ва чақа» романида экспейпизм ва ёлғизликни тарғиб қилиш орқали ўз ечимини топади. Моэмнинг фикрига кўра, ижодкор шахс унга ёқмайдиган жамиятдан қочиши лозим ва фақат шундай қилиб, у ўзини намоён этиши мумкин. Муаммони тамоман очиб бериш учун Моэм индивидуалист шахснинг ўзига хос характери ни ўрганadi. Бош қаҳрамони рассом бўлган асарларни ўрганган Моррис Биб бу ҳақида жуда ўринли фикр билдиради: "Quest for self is the dominant theme of the artist novel, and because the self is almost always in conflict with society, a closely related theme is the opposition of art to life. The artist-as-hero is usually therefore the artist-as- exile".²²

Моэмнинг ижодкор шахс ҳақидаги ёрқин асарларидан бири «Театр» (The Theatre, 1937) романидир. Унда таниқли театр актрисаси Жулия Ламбертнинг шахсий ва касбий ҳаёти тасвирланади. Бош қаҳрамон ҳар қандай ролни қойилмақом бажаради, у ҳар қандай образга киради. У ҳаётида ҳам актрисадир. У турли оғир вазиятлардан актрисалик маҳоратини ишлатиб чиқиб кетади. Ҳаётида у баъзида ҳақиқий ҳаёт билан театрни чалкаштирган ҳолда бир образдан бошқасига ўтиб кетади. Истеъдоди ва қобилиятини Жулия мақсадларига эришиш учун ишлатади. У актёрлик маҳорати ёрдамида одамларга таъсир қила олади.

Муҳаббат бош қаҳрамон Жулияга хурсандчилик ва завқгина эмас, балки ҳаяжонли қийналишларни ва ўз қадрини камситиш туйғусини олиб келади. Жулия ёш йигит Томас Феннелга ошиқ бўлади ва бу туйғуга берилиб кетади ҳамда худди ёш қизча каби севгилиси билан ёлғиз қолишни ҳамиша кутади. Шу пайтнинг ўзида у содиқ рафиқа ва оқсуяк хоним ролини ажойиб ўйнайди. Бироқ Жулия учун севги ёки бошқа туйғудан кўра, санъат устун туради. Муҳаббат йўлида у ўз санъатини қурбон қилмайди. У туйғуларини четда қолдириб, актрисалик маҳоратини янада намоён қила олади, чунки фақат санъатгина унга эркинлик ва қувват бағишлай олади.

Жулия образи ижодкор шахс бўлгани учун Чарльз Стрикледга ўхшайди. Уларга эркинлик ва санъат ҳамма нарсадан афзал, улар ижодига халақит берадиган барча ҳолатларни ҳаётдан четлатади. Уларнинг севгига нисбатан қарашларида ҳам кўпгина умумийликлар бор. Севги унинг қалбини кишанлайди ва фаолиятига халақит қилади, деб ҳисоблайди Стрикленд. Жулия эса ўғли Роджернинг севгининг атрофида шунча шовқин кўтаришга арзимаслиги тўғрисидаги фикрига қўшилади.

Моэмнинг бу икки романида ўхшашликлар кўп. Уларда ижодкор шахс ҳаётини кучини санъатдан олади ва бу уларга эркинлик бағишлайди, деган ғоя мавжуд. Жулия учун театр унинг ўз шахсиятини сезишга имкон яратадиган ва одатдаги муаммолардан четлатадиган худуддир. Стриклендга гўзалликни тасвирлаш, қалби сезган ҳолатларни ифодалаш руҳий хотиржамлик беради. Стрикленд қалбида Гўзаллик Ҳақиқатнинг ўрнини эгаллайди. Стрикленд

²² Linares F. W. Somerset Maugham and a philosophy of life. Durham theses. – Durham: Durham University, 1992. – P. 98.

охирги ишини яқунлаганида, хотиржамликка эришади ва азоблардан қутулади.

«Театр» романида персонажлар билан сюжетнинг позицияси муаллиф нуқтаи назарини билдиради. Мазкур романда ёзувчининг асосий ғояси унинг ҳаётни узлуксиз театр деб тушуниш концепциясидир, унга кўра театрда ҳар ким ўз ролини ижро этади, ҳар ким ролни кўп марта репетиция қилади, бу ерда ҳеч ким спектаклдан озод эмас, улар кимнинг нима қилиши кераклиги ёки керак эмаслигини белгилайдиган режиссёр назоратида туради ва ҳеч ким ўз ролдан чиқиб кетмайди. Романга «Театр» номининг берилиши ҳам бежиз эмас, чунки унда ҳаёт актёрлар юрган сахнага таққосланади. Роман персонажлари ҳатто севгисида ҳам роль ўйнашади: улар бирда муғомбирлик қилишиб, бирда турли кўринишларда аён бўлишади. Уларнинг ҳар бири ўз истеъдодига яраша роль бажаришади.

Романда тасвирланган ушбу вазиятга Моэм очиқ киноя қилади. «Театр» романидаги ижодкор шахс концепцияси шундан иборатки, ёзувчининг фикрича, ижодкор шахси қарама-қаршилиқларга бой. Бу шахс, бир томондан, жамият билан ўз эркинлиги учун курашади, аммо шу пайтда ўзининг мазкур жамият аъзоси эканлигини тушунади ва ўзи яшаётган жойдаги нормаларни қабул қилмаса, у ютуққа эришолмайди. Романда «шахс ва жамият» муаммоси киноявий усулда ечилган. Баъзида Моэм қаҳрамон устидан кулади, баъзида эса у билан бирга азобланади. Бунинг сабаби мазкур масалани тўғри маънода ҳал қилишнинг жуда қийинлигидадир. Жулияни айблаш билан бирга уни оқлаш ҳам мумкин.

Ўзининг ҳаётини тажрибаси натижасида С.Моэм одам умридаги энг асосий қадриятлар уч сўзда мужассамлашганини хулоса қилади. Улар Ҳақиқат, Гўзаллик ва Эзгулик сўзларидир. Ҳақиқат инсонга ўз шахсиятини намоён этишга имкон беради. Худди шу вазиятни «Устаранинг учи» (*The Razor's Edge*, 1943, 1944) романининг бош қаҳрамони Ларри Даррел кидиради.

Романда шахс ва жамият муаммоси қаҳрамон ўз шахсиятини намоён этишида унинг енгиб ўтиши керак бўлган барча қийинчиликларга муносабати орқали очиқ берилади. Романнинг бош қаҳрамони америкалик ёш Ларри ҳаётнинг мазмуни ҳақида мушоҳада юритади, ҳақиқатни топиш учун сарсон-саргардон бўлади ва инсон мавжудлиги хусусидаги мураккаб саволларга жавоб излайди. Уруш унинг ички оламини ўзгартиради ва ҳаётнинг моҳияти, эзгулик ва ёвузлик ҳақида фалсафий фикрлашга ундайди. У аввалгидек ўзи мансуб жамиятда яшай олмайди. Ва шу жамият вакиллари, ўз навбатида, унинг ҳаракатларини тушунишмайди. Аммо Ларрининг мақсади аниқ, уни ҳақиқат йўлида ҳеч қандай куч тўхтата олмайди. Ларрининг ҳақиқат йўлидаги кураши устаранинг учиде юришга ўхшайди. Натижада бу йўл унинг руҳий озодликка эришишига ва шахсиятини намоён этишига олиб келади.

Ларрига Изабелла образи қарши қўйилган. У Ларрини ёқтиргани билан, унга нисбатан ҳақиқий манфаатпарастдир. У Ларрига ҳаётини қайта тушуниб олишига вақт кераклигини билади, лекин бу ҳолатни айни урушдан кейинги

шок ҳолатига ўхшатади. Ларрининг руҳий тушкунликдан тез чиқиб кетишига ишонади. Изабелла ва унинг атрофидагилар учун нуфузли иш муҳим масаладир. Бу ерда у "The Fall of Edward Barnard" ҳикоясининг қаҳрамони Изабелла Лонгстаффага ўхшаб кетади. У «бекорчи»га турмушга чиққиси келмайди. Изабелланинг тафаккури жамиятда мавжуд андазаларга боғлиқ. Моэм муҳим кадриятларни тасвирлаш орқали Изабеллага жамиятнинг таъсирини очиб беради. Изабелла учун ҳақиқий ҳаёт – бежирим буюмлар билан жиҳозланган уй, энг нуфузли билим юртларида таълим оладиган фарзандлари, жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаш ҳисобланади. Роман унинг ҳар бир персонажи учун бахтли якун билан тугайди, асар персонажлари ўз олдига қўйган мақсадларида эришишади.

Сомерсет Моэм қаламига мансуб «Қаҳрамон» (The Hero, 1901) романининг асосий мавзуси шахс ва жамият муаммоси ҳисобланади. Мазкур асарда китобхон инглиз ёзувчилари ижодига хос мотив ва ғоялар билан учрашади. Аммо бунда ёзувчи такрорга йўл қўйганини таъкидлаш дуруст эмас. У асосий муаммо ҳақида ҳамиша турли нуқтаи назарлардан фикрлайди ва унинг янги жиҳатларини янги қирралар орқали очиб беради. Ушбу романда шахс ва жамият муносабатларининг суръати, жамиятга нисбатан қаҳрамонлар тасаввурларининг машъум уруш натижасида ўзгариши тавсифланган.

Мазкур роман «Устаранинг учи» асари каби оммалашмаган, аммо «Устаранинг учи» романидагидай бош қаҳрамон урушдан кейин янги инсон бўлиб қайтиб келади ва атрофидаги жамиятга қўшила олмайди. Лекин бу асарнинг бош қаҳрамони ўз бахтини билим ва таълимда кўрувчи, атрофдагиларнинг норозилигига қарамасдан, мақсадига эришган Ларри Дарреллдан фарқ қилади. «Қаҳрамон» асарида Моэм жамиятнинг ақидапарастлиги билан курашиш учун заиф ва жонига қасд қилишни зиддиятнинг ечими сифатида танлаган Джеймс Парсонс характерини яратади.

Моэмга бағишланган махсус энциклопедияда қайд қилинишича, «Қаҳрамон» асарини ёзиш орқали Моэм ижтимоий ва ҳаттоки сиёсий танқид устида тажрибалар ўтказа бошлаб, Англиядаги миллий бўҳрон пайтида Эдвард коднинг номувофиқлигини кўрсатиб берган²³.

Джеймс ўзини тузоққа илингандай сезади, аста-секин оиласидан узоқлашиб кетади ва руҳиятида кечаётган мураккабликларни оила аъзоларига билинтирмайди. У озодликка чиқиш мақсадида эркинлик йўлини қидиради. Унинг руҳий ҳолатини Моэм шундай аниқ тасвирлайдики, китобхон мураккаб аҳволни, шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятини аниқ сезади. Джеймс ота-онаси билан зиддият ва ички беқарорликдан чуқур азият чекади. Унда ақл ва шубҳа туйғулари орасида доим кураш бўлиб туради. У ҳамиша ўзининг дуруст иш қилгани ёки қилмагани ва бошқача ҳаракат қилганида нима содир бўлиши устида ўйланади. Моэм бу мавҳумликни

²³ Rogal S. J. A William Somerset Maugham encyclopedia. – L.: Greenwood Press, 1997. – P. 88.

Джеймс юрагидан жой олиб, қалбига шубҳа ҳиссини соладиган «кичкина шайтон»га қиёслайди.

Моэмнинг бошқа кўпгина асрларидаги каби мазкур романда ҳам шахс эрки биринчи ўринда туради. Унинг қаҳрамонлари озодликни чеклайдиган занжирдан чиқиб кетишга интилади. «Қаҳрамон» романида Моэм бир неча марта инсонга эркинликнинг қанчалик зарур эканлигини эслатиб ўтади. Бахтга эришиш учун шахсий эркинлик кераклигини Джеймс тушунади.

Озодликка эришиш учун Джеймс Парсонснинг турли чора излаб, ўз жонига қасд қилишдан бошқа йўл топмайди. Асар қаҳрамони ҳамма нарсани ташлаб кетишга кучсиз, чунки у виждон азоби, ота-онаси ва қайлиғи Мэрининг бахтсизлиги унга ҳеч ором бермаслигини билади. Тасодифий воқеа рўй берганидек у милтиқ тозалаётган пайтда ўз кўкрагига ўқ отади. Асар қаҳрамони эскейпизмнинг алоҳида варианты тарзида ўз жонига қасд қилади. Бунда Моэм қаҳрамони яхши ҳаёт учун ҳаракат қилмасдан, Гёте романидаги атоқли Вертер каби норози кайфиятда кўз юмади.

Роман бош қаҳрамонининг аччиқ қисмати инглиз шаҳарчасининг турғун муҳиtida очиб берилган. Литл-Примптон аҳолисининг кундалик ҳаётини тасвирлаш орқали Моэм уларнинг қанчалик руҳан қашшоқлигини ва ҳаётининг бир хиллигини кўрсатади. Шаҳарчада ҳеч нарса ўзгармайди, унинг аҳолиси ўзгаришларни ёқтирмайди ва ҳамма янгиликларга қаршилик қилишади. Бунга Парсонслар оиласини ёрқин мисол қилиб олиш мумкин.

ХУЛОСА

1. XX ва XXI аср бошидаги фан тараққиёти учун «шахс ва жамият» муаммоси жуда долзарб. Социология, тарих ва жамиятшуносликка оид замонавий илмий ишларда мазкур муаммо тадқиқига жиддий эътибор берилди. Маданият ва идеологиянинг таркибий қисми бўлгани туфайли адабиётнинг бу муаммога мурожаат қилиши табиий ҳол. Инглиз классик адабиётида уни ёритиш узоқ даврлардан бери анъана бўлиб келган. Уйғониш давридан бери (У. Шекспир) ушбу муаммони муаллифнинг эстетик тамойиллари ва ғоявий қарашларига боғлиқ ҳолда ўрганиш бўйича маърифатчилик, романтизм, реализм оқимининг бадиий концепциялари шаклланди.

2. Сомерсет Моэм инглиз классик адабиёти тенденцияларига риоя қилган ҳолда ижод қилган. У Шекспир, Диккенс, Теккерей ва бошқа ўтмишдошлари анъаналарини давом эттирган, ҳақли равишда реал шахс ва уни йўқ қилишга интилган ёт жамият орасидаги зиддиятни очиб берган.

3. Адабий танқидчиликда С. Моэм ижодиётини баҳолашда ҳар доим ҳам ҳолисона ёндашилмаган. Ёзувчи асарларининг ғоявий ва бадиий аҳамиятини камситиб кўрсатиш, уларнинг кўнгилочар вазифа бажариши ҳақидаги фикрлар билдирилган. Тадқиқотда Моэм асарларини «оммавий адабиёт» деб сифатлаш ҳеч қандай асосга эга эмаслиги далилланган.

4. Моэмнинг ғоявий-эстетик мушоҳадалари унинг ижодидан бевосита ўрин олди. Модернизм ва «оммавий адабиёт»нинг баъзи таъсирларига учраса ҳам, у барибир замонасининг салбий иллатларини танқидий баҳолайдиган изчил реалист бўлиб қолаверди ва ўз идеалини топишга ҳамда ўз ижодий дастурини амалга оширишга ҳаракат қилди. Сомерсет Моэм мазкур муаммони ечишда ўзига хос ёндашув топа олди.

5. Моэм асарларида шахс ва жамият муносабатларидаги зиддият ечимининг турли вариантлари мавжуд. Моэм қаҳрамонлари ўз индивидуаллигини ва шахсий эркинлигини ҳимоя қилишда баъзан эскпейпизм йўлини танлашади. Романтик қаҳрамонлар каби улар яратувчанлик фаолиятида ўз қобилиятлари тўлиқ руёбга чиқадиган экзотик муҳитни қидиришади. Шунингдек, Моэм асарларида қаҳрамонларнинг турли типларини яратади ва мазкур зиддиятни ҳал этишнинг ўзгача услублари (тўсқинлик қилаётган жамиятга қаршиликда ўз жонига қасд қилиш, қаҳрамоннинг таслим бўлиши, унинг жамиятдаги одатларга кўникиши ва бошқалар)ни қўллайди.

6. Таҳлил қилинган асарларда илгари сурилган муаммога ёндашув бўйича ўзига хос бир хиллик кузатилади. Уларнинг ҳар бирида шахс ва жамият муносабатларининг муайян шакли тасвирланган. С.Моэмнинг роман ва ҳикоялари сюжетларида ўхшаш қаҳрамон, мотив ва вазиятларни учратиш мумкин. Аммо Моэм ҳеч қачон такрорга йўл қўймайди. Вазиятларнинг ўхшашлиги илгари сурилган муаммо ва бош қаҳрамонларни яратишдаги ечимларнинг чекланганига боғлиқ. Шу аснода доим қаҳрамонларнинг бошқаларга нисбатан муносабатларида турли психологик сабаблар ва

сезилар-сезилмас фарқлар билинади. Моэмнинг барча сюжетлари асосий муаммони аниқ вазият ва турли вариантларда ечиш ва кўрсатишда ўзига хосликни намоён этади.

7. С. Моэм ушбу зиддиятнинг ҳозирги жамият учун аҳамиятини кўрсатиб берган. Бу маънода Сомерсет Моэм асарлари публицистик характерга эга ва ижтимоий-фалсафий тадқиқотларга яқин туради, чунки уларда жамият ҳақидаги фикрлар, баҳс ва фалсафий мунозаралар мавжуд. У инсоннинг моҳияти ва жамиятдаги ўрни ҳамда шахс ва жамият ҳаётидаги бошқа жиҳатлар ҳақида фикр юритади. Бунда Сомерсет Моэм ёзувчи-файласуф эканлигини намоён қилади. У турли нуқтаи назарларни атайлаб бир-бирига қарши қўяди. Ижобий қаҳрамонларининг эътиқодлари, асосан, муаллифнинг дунёқарашини билдиради. Лекин ҳамма вақт ҳам эмас. Муаллифнинг ўз персонажидан киноя орқали узоклашиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

8. С. Моэм асарларида шахс ва жамият муносабатлари муаммоси ҳамма вақт ҳам осон ва соддагина ечимини топмайди. Баъзида муаллиф нуқтаи назари аниқ билинмайди, бундай ҳолда ёзувчи муаммонинг ечимини китобхоннинг ўзига ҳавола қилади («Ёмғир» ҳикояси бунга мисол бўлади).

9. Моэм – эпик баён этиш ва шахсни психологик таснифлашда моҳир ёзувчи. Бунда у ёрқин ифодали нутқдан фойдаланади. Унинг энг ёқтирган услубларидан бири – киноя. Баъзи пайтларда ёзувчи аччиқ сатирик бўлиб гавдаланади, бўрттириш ва сарказмни қўллайди. Ёзувчи персонажларининг руҳий ҳолатини ифодалашда пейзаждан унумли фойдаланади. Унинг асарларида тагматнга жиддий эътибор берилади, уларда қаҳрамонлар ҳиссиёти очиқ кўрсатилмайди, аммо китобхон улар қалбидаги руҳий пўртанани англайди. Бу ҳолатни тасвирлашда ёзувчи таъсирли рамзий ишоралар, такрорий мотивлар ва бошқа усуллардан маҳорат билан фойдаланади. Шу аснода Моэмнинг бадиий техникаси Эрнест Хемингуэйнинг «музтоғ» тамойилига яқинлашади.

10. Ёзувчи қаҳрамоннинг алоҳида типологиясини ярата олди. Бу унинг «кичик жанр»га тааллуқли асарлари ва романларида яққол сезилади. Моэмнинг турли жанрлардаги асарларида узвий боғлиқлик мавжуд. Унинг ҳикоя ва романлари бир-бирини тўлдиради ва шу билан бирга шахс ва жамият муносабатлари муаммосининг турли жиҳатларини ишонарли очиб беришга имкон беради.

11. Моэм асарлари қаҳрамонлари психологик жиҳатдан чуқур ва мукамал тасвирланган. Психолог-ёзувчи Моэмнинг ютуқлари қаторига у яратган миссионер Дэвидсон («Ёмғир»), миссис Гриффит ва унинг қизлари («Дейзи»), рассом Стрикленд («Ой ва чақа»), файласуф Ларри («Устаранинг учи»), уруш қаҳрамони Парсонс («Қаҳрамон»), актриса Жулия Ламберт («Театр») ва бошқа образларни киритиш мумкин. Ҳар қандай вазиятда муайян шахснинг жамият билан муносабатларини очиб беришда у бошқаларда учрамайдиган усулларни ишлатади.

12. Моэм ижодининг аҳамияти катта. Мазкур тематикани ўрганишга муҳим ҳисса қўшган, жамият билан қурашаётган шахслар ва уларнинг турли

тақдирларини ишонарли тасвирлай олган адиб ижоди инглиз адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Инглиз классик прозаси, асосан, XX асрнинг иккинчи ярмида Сомерсет Моэм эришган ютуқларга суянган, адибнинг бу муаммони очиб бериш анъаналари кейинги давр адабиётида ҳам ёритилганлиги эътиборга молик адабий ҳодиса ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

ВОХИДОВА НАРГИЗА НУРИДИНОВНА

**ПРОБЛЕМА «ЛИЧНОСТЬ И ОБЩЕСТВО» В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ
У.С. МОЭМА**

10.00.04 - Языки и литература народов Европы, Америки и Австралии

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Fil.239

Докторская диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashgiv.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Лиходзиевский Анатолий Степанович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Садиков Зоҳид Якубжанович
доктор филологических наук, доцент

Матенова Юлия Умидовна
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «29» октября 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район улица Кичик халка, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрировано за № 25). (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район улица Кичик халка, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92.)

Автореферат диссертации разослан «16» октября 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 25 от «16» октября 2021 года).



Г.Х. Бакиева
член Научного совета по степеням, д.ф.н., профессор

Х.Б. Самигова
член Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент

Ж.А. Якубов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии по филологическим наукам (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из основных направлений научных исследований в мировом литературоведении является изучение теоретических и поэтических особенностей проблемы «личность и общество». Теоретическое изучение идейно-эстетических принципов, которые писатель выдвигает, художественное осмысление социальных проблем и состояния современного общества с помощью анализа образов, созданных им, определение вклада писателя в сокровищницу мировой художественной образности и специфику его творчества, изучение столкновения борющейся за самоутверждение своеобразной и сильной личности с пережитками и традициями английского консерватизма, определение соответствия творческих идей национальным и общечеловеческим ценностям на основе художественных критериев остаются важными для изучения задачами мирового литературоведения.

В зарубежном литературоведении выдвигаются научно-теоретические идеи, которые раскрывают поэтические особенности наиболее известных произведений, созданных на разных языках. В частности, научное исследование художественного мастерства Сомерсета Моэма в контексте литературоведения Европы и Америки на основе таких критериев как человечность, философское мышление, логичность идей автора и широту его фантазии, мастерское раскрытие внутреннего мира героев, богатство и разнообразие языка произведений, проведение анализа его творчества в неразрывной связи с эпохой и временем, изучение литературной среды и мировоззрения общества на основе научных подходов является актуальной задачей.

В узбекском литературоведении изучение мировой классической литературы и закономерностей литературного процесса, в частности, анализ творчества представителей английской литературы позволит глубже понять тенденции мировой литературы, определить место узбекской литературы в этом процессе, изучить его закономерности. «В нынешнее беспокойное и тревожное время сама жизнь – как никогда прежде – требует повышения роли и ответственности художественного слова в целях объединения всех людей с добрыми помыслами для совместного решения чрезвычайно сложных проблем современности, преодоления глобальных вызовов и угроз, возникающих сегодня перед человечеством, воспитания молодежи, которая составляет почти треть населения планеты, на основе высоких идей гуманизма»¹. Следовательно, исследование проблемы «личность и общество» в произведениях У.С. Моэма является важным.

Диссертационное исследование способствует реализации задач, обозначенных в указе УП-4797 «Об организации Ташкентского

¹ Поздравление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева участникам международной конференции «Актуальные вопросы изучения и популяризации за рубежом узбекской классической и современной литературы» // <https://president.uz/ru/lists/view/1926> [Дата обращения: 15.05.2020].

государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, в постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в постановлении № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях» от 11 августа 2017 года, в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 376 «О мерах по совершенствованию системы издания и перевода лучших примеров мировой литературы на узбекский язык, а шедевры узбекской литературы на иностранные языки» от 18 мая 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Литературоведы и биографы мира Роберт Лорин Колдер, Селина Хэйстингс, Джеффри Мейерс, Грета Ионкис, Тед Морган, Сэмюэль Рогол, Энтони Кёртис, Максвелл Андерсон, Хасан Джафри, Александр Ливергант, Владимир Скороденко и другие посвятили свои труды изучению жизни и творческой деятельности Сомерсета Моэма. Анализ исследований, проведенных в Англии, Америке, Канаде и России показал, что они были в основном направлены на биографические подробности жизни писателя, особенности его языка и стиля. Среди них научные работы русских литературоведов и языковедов (Ф.А. Хутыз, Е.Л. Пивоварова, И.В. Трикозенко, О.Н. Юрочкина, А.З. Измайлов, Л.Б. Темникова, О.О. Легг, Е.С. Седова, Е.А. Чивильгина)², зарубежных

² Хутыз Ф. А. Концепция художественной прозы Сомерсета Моэма в контексте основных теорий романа первой половины XX века в Великобритании: Дисс. ... канд. филол. наук. – Майкоп, 2001. – 177 с.; Пивоварова Е. Л. Поэтика цикла рассказов У. С. Моэма «Трепет листа: маленькие истории островов южного моря»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2008. – 191 с.; Трикозенко И.В. Художественная проза С. Моэма в контексте английской литературы XIX — начала XX века: Слагаемые успеха: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 181 с.; Юрочкина О. Н. Проблема взаимодействия текстовых категорий: на материале романа У. С. Моэма «Театр» и его перевода на русский язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2009. – 320 с.; Измайлов А. З. Сохранение экспрессивной функции текста при переводе с английского языка на русский: на материале произведений У. Фолкнера и С. Моэма: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 170 с.; Темникова Л.Б. Стилистическая динамика в публицистике У. Сомерсета Моэма: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2005. – 171 с.; Легг О. О. Театральность как тип художественного мировосприятия в английской литературе XIX–XX вв.: На примере романов У. Теккерея «Ярмарка тщеславия», О. Уайльда «Портрет Дориана Грея», С. Моэма «Театр»: Санкт-Петербург, 2004. – 170 с.; Седова Е. С. Театр У.Сомерсета Моэма в контексте развития западноевропейской драматургии конца XIX и первой трети XX вв.: Дисс. ... канд. филол. наук.–Екатеринбург, 2010. – 220 с.; Е.А. Чивильгина. Жанрово-тематическое своеобразие малой прозы Сомерсета Моэма: Дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2018. – 189 с.

литературоведов (P.J. Holden, K.S. Hawkinson, B. Wiggins, K. Fell)³ и узбекских научных исследователей (И.С. Каххарова)⁴.

В результате изучения имеющихся в данной области научных работ нами было сделано заключение, что далеко не все аспекты творчества С. Моэма изучены в должной мере, отсутствуют специальные работы, посвященные исследованию проблемы взаимоотношений личности и общества в произведениях этого писателя. Значимость данного научного исследования в том, что в ней впервые творчество Моэма изучается с точки зрения взаимоотношений личности и общества.

У Моэма очень много произведений, рассказов и романов, не связанных с проблемой «личность и общество». Выбранные произведения, на наш взгляд, являются самыми характерными и типичными именно в плане решения данной проблемы. С одной стороны, мы выбрали произведения известные, без которых творчество Моэма раскрыть невозможно, но мы также привлекли произведения малоизвестные, которые, на наш взгляд, убедительно освещают данную проблему. При этом мы показали разные варианты решения этой проблемы в произведениях Моэма. Выбранные для анализа произведения демонстрируют различные варианты конфликта личности и общества, прослеживают типы бунтующего героя и закономерности его судьбы.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного учреждения, в котором готовилась диссертация. Диссертация выполнена в соответствии с планами научно-исследовательской работы Узбекского государственного университета мировых языков на 2018-2020 годы по направлению «История и актуальные проблемы английской и американской литературы, методы и принципы художественного анализа».

